



Рубойнавислар устоди



Умар Хайёмнинг номи тилга олинганда барчанинг кўз олдига Шарк мумтоз сўз санъатининг энг машхур жанри рубойи гавдаланса, рубойи деганда бу жанрнинг беназир устаси Умар Хайём намоён бўлади. Бу бежиз эмас. Абулкосим Фирдавсий маснавийни, Хофиз Шерозий газални канчалик такомилга етказган бўлсалар, Умар Хайём ҳам рубойини шунчалик юксак макомга кўтарди. Мана, орадан салкам X аср ўтсада, рубойида хали ҳеч ким Хайёмнинг олдига туша олган эмас.

Тафаккур ва туйгуни ажойиб бир тарзда ўзида омукта этган рубоий асрлар давомида Шарк мумтоз шеърятининг етакчи жанри бўлиб келди. Унинг шаклланиши, ривожланиши ва шухрат қозониши Абу Абдулло Рудакий, Абу Али ибн Сино, Абусаид Абулхайр, Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Хоконий Ширвоний, Фаридиддин Аттор, Жа-лолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Голиб каби дунёга машхур шоир ва мутафаккирлар номи билан боғлиқ. Рубоийнинг Шарк адабиётида қанчалик катта ўрин тутганини шундан ҳам билса бўлади.

Олам ва одам муаммоларини фалсафий жихатдан акс эттириши туфайли рубоий шеърятнинг фалсафий жанри сифатида машхур. Зеро, салмоқли мазмунни чуқур фалсафийлик қатига ўраш орқалигина уни ихчам шакл бағрига жо этиш мумкин. Шунинг учун ҳам академик Гафур Гулом рубоий ҳақида: «...олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йигиб, тўрт сатрга сигдира олиш махоратидир. Катрада — уммон, учкунда — қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир», — деб ёзган эди. Хикмат ва фалсафа рубоийнинг мағзи бўлганлиги учун ҳам у жаҳон шеърятининг доврқдор жанрларидан бирига айланди — ҳозирги кунда дунёнинг барча бурчагидан рубоий муҳлисларини топиш мумкин.

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Гиёсиддин Абулфатх Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий 1048 йил 18 майда Нишопурда чодир (хайма) тикувчи қосиб оиласида тугилади (Унинг таҳаллуси ҳам отаси шугулланган қасб номидан олинган: Хайём — чодир ясовчи уста, чодир тикувчи, чодирчи). Ёшлигида Балхга келиб, ўша даврнинг таниқли уламоларидан Мухаммад Мансур қўлида таҳсил олади. Салжукий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар авжга минган даврда Балхни тарқ этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абу Тохир, кейин Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қорахоний даргоҳида яшайди. У ҳақда маълумот берилган деярли барча қадимги қўлёзмаларда қавқулодда истеъдоди, қучли қувваи хофизаси ва олдиндан башорат қилиш қобилияти хусусида сўз боради. Чунончи, «Исфакхонда эканида бир қитобни етти дафъа ўқуган. Нишопурга қайтганда шуни ёддан ёзган. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаган» (Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём // Танланган асарлар. 2-жилд. 146-бет.).

Низомий Арузий Самарқандий қуйидагича ҳикоя қилади:

Балх шаҳридаги бир зиёфатда хужжат ул-ҳақ Умар Хайёмнинг шундай деганини эшитдим:

— Менинг қабрим шамол ҳар баҳорда устимга гуллар сочиб турадиган жойда бўлади! Ўшанда менга унинг сўзлари бир оз галати туюлган эди, аммо шундай улуг одам беҳуда гапирмаслигини ҳам билардим.

1135 йили йўлим Нишопурга тушганида Хайёмнинг менда устодлик ҳақи борлиги учун бир жума қуни Хийра қабристонига — унинг зиёратига бордим. Қабристонни ўраб турган бог деворидан нок ва ўрик дарахтлари бош чиқариб, қабр устини гулга қўмган эди. Шунда Балх шаҳрида ундан эшитган сўзларим ёдга тушиб, йиглаб юбордим. Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг бирор ерида унинг учун бундан муносиброқ жой топилмас эди.

Умар Хайём 26 ёшида салжукий ҳукмдор Жалолиддин Малиқшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомулмулк даъватига биноан Исфакхонга келиб, расадхона ташкил этади. Расадхонада фаолият қўрсатган олимлар Хайём бошчилигида 1074—1079 йиллар мобайнида янги ва нисбатан муқаммал йил таквими ишлаб чиқадилар. Бу

таквим Европада ундан 500 йил кейин жорий килинган Григориан календаридан хам аниқроқ бўлган.

Умар Хайём илмда хам, ижодда хам ўзини Шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг хассос ва садокатли шогирди хисоблаган. Ибн Сино асарларини тушунмаган кишилар уларни изохлаш ва шархлашни ундан сўраганлар. У устозининг бир катор асарлари (жумладан, «Хутба» фалсафий рисоласи) ни арабчадан форсчага таржима килиб, шархлаб беради, унинг гоё ва карашларини давом эттиради хамда тарғиб қилади. «Рисолат ул-қавн ват-таклиф» («Қоинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-вужуд» («Борлик ҳақида рисола»), «Рисола фи қуллийети вужуд» («Борликнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида намоён бўлади. Унинг Ибн Синога эътиқоди шунчалик баланд бўлганки, хатто «Аш-шифо» китобини қўлида тутиб жон берган (1123 йил 12 декабрда).

1077 йилда у юнон олими Эвклид китобидаги бир неча геометрик шаклларни шархлаб ёзган «Рисола фи шарҳи мо ашқала мин мусодарат китоб ул-Икclidис» («Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола») асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари кўрсатиб берган. «Рисола фи-л-бароҳийн ала масойил ал-жабр ва-л-муқобала» («Алгебра ва муқобала (қаршилик назарияси) исботлари ҳақида рисола»), «Мушкулот ул-хисоб» («Арифметика мушкулотлари») асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида кенг шархлаш билан бирга, уларнинг карашларини ривожлантирган, математик, фи-зик тенгламаларнинг муодилларини топган. Байҳакийнинг лутф этишича, у айниқса фалсафий илмлар, математика ва мантиқни жуда ўзиники килиб олган эди.

XII аср форс-тожик насрининг нодир намунаси хисобланган «Наврўзнома» асарида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам билан боғлиқ анъана ва маросимлари кенг ёритилган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

Қисмат ўйинини қарангки, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюқ кашфиётлари бир чеккада қолиб, у илмий изла-нишларидан қарчаган пайтларида турли дафтарларнинг хошияларига битган ва иккинчи даражали хисоблаган рубоийлари Хайём номини дунёга танитди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, рубоийга биринчи бўлиб Абу Али ибн Сино ўзининг чуқур фалсафий карашларини сингдирган. Кейин Умар Хайём азал ва абад, олам ва одам муаммолари ҳусусида теран фалсафий рубоийлар яратиб, бу жанрнинг пири устодига айланди, Шарқ шеъриятида фалсафийликнинг чуқурлашишига катта таъсир кўрсатди. У ўзига яратилган рубоийлардан таъсирланди, бу борадаги тажрибаларни умумлаштирди хамда ўзининг бекиёс истеъдоди ва теран билими туфайли рубоийда сифат ўзгаришларини ясаб, жанрни янги ва юксак тараккиёт босқичига олиб чиқди. Нафакат улкан инсоний дард ва теран ички кечинмаларни, балки ўша давр ақл соҳибларини қийнаган ўткир ижтимоий ва фалсафий масалаларни рубоийга олиб кирганлиги учун хам таникли шарқшунос И.С. Брагинский Хайём шеърятисиз нафакат Шарқ, балки «жаҳон шеърятини юксаклигини хам тасаввур қилиб бўлмайди», — деган эди. Рубоийнинг маз-мунан бойиши, янги фалсафий истилохларнинг вужудга келиши, рубоий мавқеининг ортиши ва Шарқ шеърятини жанрлари ичида мустаҳкам ўрин эгаллаши Умар Хайём номини билан боғлиқ.

Хайёмона оҳанглар Абу Саид Абулхайр, Бобо Қўхий, Абулхасан Хараконий, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Газзолий, Мухаммад Газзолий каби шайх-шоирлар рубоийларида хам учрайди, хатто айрим рубоийлар хам уларга, хам Хайёмга нисбат берилади. Чунки Хайём

бу пюирлардан ўрганган, таъсирланган, уларга эргашган. Умар Хайём рубойларини мазкур шоирлар рубойи-лари билан киёсий ўрганиш шундан гувоҳлик беради. Масалан, Абусаид Абулхайр рубойлари ичида кўплаб хайёмона рубойларнинг мавжудлиги мавзу ва услуб эътибори билан улар орасида муайян якинлик борлигини кўрсатади. Форсий адабиётдаги рубой тарихи ва ривожланиш боскичларини ўрганган арман олимаси А.К. Козмоян ҳам сўфиёна рубойларнинг баъзи бир муҳим хусусиятларини четлаб ўтиб, Умар Хайём рубойи-ларига ҳар томонлама ҳаққоний баҳо бериб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Н. Комилов эса: «Хайём ижодини батамом тасаввуфдан холи деб ҳам айта олмаимиз. Чунки айрим рубойларнинг мазмунида бу нарса ўта фалсафийлашган кўринишда ифодаланган», — деб ёзади. Шоирнинг ўзи ҳам фалсафий рисолаларидан бирида сўфийларга эргашган кишигина Худони англашга энг якин туришини таъкидлаб ўтган эди. Шунга карамай, Умар Хайём ижодига асосан икки мутафаккир шоирнинг кучли таъсирини сезиш мумкин: фалсафий-тасаввуфий жихатдан — Ибн Сино, гоъвий-бадий жихатдан - Носир Хисрав.

Юнон мутафаккирлари асарларининг араб тилига таржима қилиниши туфайли араб халифалиги қўл остидаги мамлакатларда фалсафий фикрлар жуда ривожланганлиги маълум. Бунинг устига, Умар Хайём даврида аниқ ва табиий фанлар ўз тараккиётининг юксак чўккисига чиққан эди. Бинобарин, «Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари нафакат унинг салафлари бўлмиш Шарк файласуфлари таълимоти заминида, балки ўша даврда араб ва форс тилларига таржима қилинган юнон мутафаккирларининг ишлари билан танишиши натижасида ҳам шаклланган» (Аминов А. Жанр рубаи и советская лирико-философская поэзия. Душанбе, 1988 г. С. 29.). У «кўпчилик рубойларида ўзининг математика, мантик, астрономия, нотиклик санъати соҳаларидаги кашфиётлари натижасида келган хулосаларини бадий талкин қилади» (Ўша ерда. 24-бет). Зеро, «Умар Хайём рационализмнинг, аклий мўъжизалар даврининг шоири эди» (Комилов И. Хайёмнома // Тафаккур қарвонлари. 189-бет.).

Шоирларнинг турли-туман қайфиятлари, рухий оламидаги эврилиш ва ўзгаришлар, тафаккуридаги зиддиятлар кўпроқ рубойида ўз аксини топган. Чунки рубойи ҳар қандай фикр, туйғу тугилиши, охорли ташбех ёки мавзу топилиши биланок уни ифодалаш мумкин бўлган осон ва қулай жанр. Таржимаи ҳол билан боғлиқ реал туйғуларнинг асосан рубойи жанрида ифодаланиши ҳам шундан. Шунинг учун ҳам Р. Ходизода рубойларни «шоирнинг поэтик қундалиги» деб атаган эди.

Фалсафий мушоҳадалардан тортиб табиат ва жамиятнинг мураккаб масалаларигача, шоир шахсий ҳаётидаги энг кичик лавҳаларгача — ҳамма-ҳамма нарса рубойининг мавзуси бўлиши мумкин. А.Аминов ёзганидек, «ҳаётий ходисалар турли-туман бўлгани каби, рубойи мавзу доирасининг ранг-баранглиги ҳам чегара билмайди». Табиийки, рубойида бу масалаларнинг барчаси аниқ, лўнда, ихчам, ҳикмат даражасида ва айни пайтда, юксак бадий шаклда ўқувчи ҳукмига ҳавола этилади. Рубойида ҳар бир сўз, ибора муайян салмоққа эга бўлади, у ёки бу поэтик мақсадни очишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам И. Брагинский ва Д. Комиссаровлар: «Рубойи — бутун бир ҳаёт, чек-чегарасиз инсоний кечинмалар тўрт мисрага жо бўладиган ўзига хос мўъжаз санъат асари», — деб ёзган эдилар.

Албатта, барча шеърий жанрлар каби, рубойи ҳам узок тараккиёт йўлини босиб ўтиш жараёнида шаклан мукаммаллашиб, мазмунан бойиб борди. Дастлаб ишқий кечинмалар, панд-насихат, табиат тасвири, ҳазил-ҳажв мавзуларида яратилган бўлса, бора-бора теран фалсафий фикрлар, тасаввуфий рамзу тимсоллар, ранг-баранг бадий усул ва

санъатлар унда ўз аксини топа бошлади. Рудакий ва замондошларининг нисбатан содда услубдаги рубоийлари Ибн Сино ва Умар Хайём ижодида чуқур фалсафий мазмунга эга бўлди. Кейин сўфий шоирлар жанрга тасаввуфий рамзу тимсолларни сингдириб, унинг услуби ва тилини мураккаблаштирдилар. Сўз санъаткорлари калами билан эса рубоий бадий мукамалликка эришди.

Умар Хайём рубоийларида фикр канча теран, мазмун канча чуқур, мушохада канча кенг, фалсафа канча салмокли бўлса, ифодаси шунча содда, тушунилиши шунча осон, ўқилиши шунча енгил, таъсири шунча кучли. Шунинг учун ҳам Абдурауф Фитрат: «Хайёмнинг рубоийларида бўлган ифода очиклиги, услуб гўзаллиги, фикр ўткурлиги уни бошка Шарк шоирларидан юкорига чиқарадур. Хайёмнинг фикр ифода килишдаги усталигидан фойдаланиш хар бир шоир учун кераклик бир ишдир», — деб ёзган эди. Аввал тафаккурда тугилиб, кейин калб кўрига йўғрилган Умар Хайём рубоийлари, бир сўз билан айтганда, олам ва одам хақида. Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиклик, таассуф аралаш локайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришки кўлингдан келмас экан, уни деб қайгуриш бехуда. Унинг учун тугилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат... хаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади:

Биз бўлсагу бўлмасак, жахон бўлгусидир,
Биздан на бирор ном, на нишон бўлгусидир.
Биз илгари йўк эдигу етмовди халал,
Энди яна бўлмасак, хамон бўлгусидир(Шоир рубоийлари муаллиф таржимасида берилмоқда.).

Бу рубоийлар ҳаётлиги, реал инсоний интилишлар, дарду туйғуларни акс эттиргани учун ҳам кўнгилга яқин. Шоир ҳақиқатнинг кўзига тик қараб гапиради. У дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, тирикликнинг маъноси ҳусусида аниқ-тиник фикр юритади. Бу рубоийлар шоирона тасаввур-тахайюл, мавхум самовий ҳаёллар, анъанавийлик, романтика маҳсули эмас, балки қайноқ турмуш тафтида пишган ҳаётлий кечинмалар ҳосиласи:

Дунё дегани азоб, тириклик эса гам,
Такдир дегани бало, замон — зулму ситам.
Хуллас, бу жахон ҳолига боксам кўраман:
Тинч-осуда одам йўк, агар бўлсада кам.

Умар Хайём яшашга лойик уй-жойи, тирикчиликка етарли нони бўлиб, шунга қаноат қилган, бировга қул ҳам, ҳоким ҳам бўлмаган оддий инсоннинг турмушини ҳақиқий ҳур, озод ҳаёт сифатида улуғлайди, чинакам инсоний бахт ҳам, ҳузур-ҳаловат ҳам шунда эканлигини таъкидлайди:

Хар қимсани бор бўлса ейишга нони
Хам ўзига лойик уйю ошени,
Ул қул-да эмас бировга, ҳоким-да эмас,
Бас, қандини урсин ўша — ҳуш даврони!

Умар Хайём нигоҳи билан дунёга боксак, бир ўзгача манзаранинг гувоҳи бўламиз: оёғимиз остидаги тупрок — «ота-боболар хоки», «сулувлар кўзиинг корачиги»; гулу кўкатлар — бир маҳаллар «гўзал бир чехра» бўлган; шабнам - «мохликолар юзидаги тер» эса, чанг — «санамлар оразини коплаган гард». Хеч нарса бегона эмас, ҳаммаси кўнгилга якин - барчаси ўзимизники!

Хар сабзаки, сувнинг бўйидан жой олмиш,
Ул талъати хур хаттини ёдга солмиш.
То сабза сари ташла оёгингни аяб,
Ул сабза санам чехрасидаги холмшп.

Табиатда бўлгани сингари хаётда ҳам ҳамма нарса - тугилиш ва ўлим, шодлик ва кайгу, ёшлигу кексалик, орзую армон... ўзаро ўрин алмашиб туради. Шу сабабли, айтайлик, кўклам кайфияти ҳады этган оний сурурдан илхомланиш шоир учун нишоннинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи - юракни кўтаринки хисларга тўлдирган бу қувончнинг, бу шуқухнинг ўткинчилиги. У хар қаидай қувонч катида кайгу, хар қандай гам ортида шодлик кўради:

Бок, тонг елидан гул этаги чок бўлади,
Булбул етишиб гунчага қувнок бўлади.
Гул соясида ўтир, у қумга сингса,
Бизнинг-да вужуд эртага тупрок бўлади.

Лахза — Хайём ижодида кенг ишланиб, образ даражасига кўтарилган. Унингча, бу дунё қошида, мангулик қаршида бизнинг умримиз — ялт этган бир лахза. Уз навбатида, инсон хаёти олдида тугилишу ўлим, қувончу кайгу, орзу-интилиш — ҳамма-ҳаммаси лахза катига жо:

Қуфр оламидан дингача бир лахза эмиш,
Шак манзилидан чингача бир лахза эмиш.
Бас, сен бу азиз лахзани хуш ўтказгил,
Умр ўзи шу — ўлгунгача бир лахза эмиш.

Лекин инсон лахзада абадиятни кечириши, хатто уни яратиши мумкин. Унинг буюклиги шунда.

Вактни мангуликка муҳрласа бўлади. Бунинг учун ўтаётгаи хар бир лахзанинг қанотиға нимадир илиб ул-гуршп керак. Чунки елкасида юки бор лахзалар абадият, икки қўли бўм-бўш дақиқалар эса йўклик сари равона бўлади:

Бўстон сари йўл олди ўшал булбули маст,
Май жомию гул чехрасини топди, абас.
Ул дам унутиб ўзни, қулогимга деди:
«Қайтмас сира, билгил, ганимат ушбу нафас!»

Ха, вақтдан бўлак ҳамма нарсани топса, қўлга киритса бўлади. Баҳор қайтади, майсалар ниш уради, гуллар хар йили очилаверади, булбуллар сайрайверади, лекин инсон «ўргач,

кайта кўкармас гиёҳ», у «олтин эмас, кўмганларидан кейин кайта казиб олийшмайди». Шу тарика, Хайём рубоийлари асосида дунёнинг ўткинчилиги, бинобарин, умрнинг кадрига етиш, хар дакикани ганимат билиш, чунки ўтган лахзанинг ортга кайтмаслиги, инсонга хаёт бир марта берилганлиги, шундай экан, шод-хуррам яшаш кераклиги каби гоёлар ётади. Бунинг учун у инсоннинг ўлиши, ўлгандан сўнг тупрокка айланиши, бу тупрокдан кулол кўза ясаши, кўзага май куйилиши сингари тимсол-тушунчалардан кенг фойдаланади. Хар кандай мавжудот пайдо бўлиши, ўсиб-униши ва заволга юз тутиши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши — хаёт абадулабад шу тарзда давом этиши бу рубоийларнинг мохиятини ташкил этади. Шунинг учун хаётдаги бир лахзалик кувончни кўлдан чиқармасликка, хуш-хурсанд яшашга, тирик туриб ўзига кабр казимасликка даъват шоир рубоийларида кизил ип бўлиб ўтади.

Тонг чогида ул гулки, кулиб тўкилади,
Ел бирла хикоятни килиб тўкилади.
Ун кун ичида гул ниш урар, гунча тугар
Хам очилар ул, хидга тўлиб тўкилади.

Кулол, кўза, тупрок... Хайём ўз ижодида кайта-кайта мурожаат киладиган образлар. Улар воситасида файласуф шоир, кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганидек, материянинг бир холатдан иккинчи холатга ўтиши, эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишинигина ифодаламайди. Шоир дунёкарашидаги энг дардли нукталар боғлиқ бу образлар билан. Унинг талкинича, инсон жисм ва рухнинг буюк бирлиги. Лекин у ўлади, тупрокка айланади, бу тупрокдан кўза яшаш мумкин, афсуски, кўза ҳеч қачон одамга айланмайди:

Бул кўза менингдек ошики зор эрди,
Бир сочи узун малакка хуштор эрди.
Бул дастаки, кўза бўйнида — эрди-ю кўл
Хам ўрни мудом гардани дилдор эрди.

Умар Хайём май куйчиси сифатида машхур. Лекин май мумтоз шеъриятда кенг ишланган анъанавий тимсол бўлиб, у оркали, бир томондан, илохий мухаббат тараинум этилса, иккинчи томондан, хаёт лаззатлари улугланади. Аслида Хайём рубоийларида ўзининг юксак такомилга етган кўпгина образ ва мотивлар салафлари ижодида у ёки бу даражада ишланган эди. Жумладан, май мавзуси хам дастлаб Рудакий ва унинг издошлари ижодида учрайди. Ёки май абадий умр гарови, ёшлиқ завқининг сармоёси, гамни махв этувчи омил эканлиги хақидаги фикрлар, сокий, жоми Жам, май сокийси каби тимсол ва истилохлар, май ичиш пюх, донишманд ва ринд кишиларга раво эканлиги тўғрисидаги тавсиялар Ибн Сино рубоийларидаёқ мавжуд. Азракий, Муиззий, Адиб Собир Термизий каби салжукийлар саройи шоирлари хам майни таъриф этганлар. Лекин бу шоирлар ижодида май хали тимсол даражасига кўтарилмаган эди. Хаётдан лаззатланиш, хар бир дакикани нашъу намога тўлдириб, умрни хуш-хуррам ўтказиш гоёларини ҳеч бир шоир Умар Хайёмдай авж пардаларда қойилмаком килиб қуйлай олмаган:

Гар бўлса муяссар мснга бугдой нони,

Бир кўза шароб билан семиз кўй сони.
Вайронада ёрниким бўлиб курбони,
Топмас бу сафони ер юзин султони!

Рубоийда фалсафийликнинг чуқурлашувини тасаввуф билан боғлайдилар. Бу — бежиз эмас. Тасаввуф шеъриятида май, ишк ва бошка кўплаб тимсол-тушунчалар фалсафий мохият касб этади. Чунончи, бу таълимотга кўра, олам ҳам, одам ҳам ишк туфайли яралган, ишк туфайли баркарор ва бир куни адам сари юз тутса, бунга ҳам ишк сабаб. Бугун биз биламизки, бу дунё оламнинг ўзаро тортишиш кучлари туфайли пойдор. Сўфийлар зса буни Хусн ва Ишкнинг бир-бирига интилиши тарзида тасаввур қилганлар. Уларнинг акидасича, оламнинг уйғунлиги, коинотнинг мунтазамлиги ишк туфайли. Улар «тошнинг ерга тушишини ҳам, сайёраларнинг куёш атрофидан айланишини ҳам ишк билан изохлашади» (Радий Фиш. Жалолiddин Румий (Тарихий-биографик роман). Жамол Камол таржимаси. Тошкент, 1986 йил, 86-бет.). Шунинг учун ҳам Жалолiddин Румий: «Олам бир вужуд бўлса, ишк — унинг жони», — деган эди. Зеро, ишк бўлмаса, одамнинг ўлиқдан, оламнинг кабристондан фарқи йўқ. Ишкнинг дунё, хаёт ва инсоннинг бутун мазмун-мохиятини белгилашини назарда тутиб, Умар Хайём ёзган эди:

Ишк — боши жахон дафтарининг, маъноси,
Ёшлик газалин матлаъси — муддаоси.
Эй, англа, хабарсиз юрган ишк оламидан,
Ишк бирла яралган бу башар дунёси!

Тасаввуф адабиётида кўнгил улугланиб, хатто Каъбадан-да юксак кўйилади. Бунинг сабаби: дунё ва нафс губорларидан покланган кўнгилда Худо акс этади. Шунга мувофиқ, синган кўнгилни кўтариш — Каъбани обод қилишга тенглаштирилади. Синик кўнгил — рамз: у дунё ва нафс алойикларидан кутулган ва илохий ишқдан бохабар, маърифат сирига ошно бўлган дардли кўнгил. Шоир бу анъанавий ташбехнинг микёсларини кенгайтириб, бир гариб кўнгилни шод айлаш нафакат Каъбани, балки бутун оламини обод этишдан-да афзал, дейди:

Билгилки, гариб кўнгилни бир шод этмок —
Создир нечаким — жахонни обод этмок.
Лутфинг била айласанг асир бир дилни
Хеч қошида мингта кулни озод этмок.

Дунёнинг номукамаллиги, инсоний хаётнинг мураккаб ва машаккатлилиги, замона адолатсизликлари Умар Хайём рубоийларининг етакчи мотивлари хисобланади. Шоир бунинг учун гоҳ Яратганга шикоят айласа, гоҳ чархи фалакдан хасрат қилади, гоҳ замондан нолиса, гоҳ нокасларни мазаммат этади. Албатта, буларнинг барчаси дунёни тўқис, хаётни фаровон, инсонни баркамол, жамиятни етук кўриш орзусидан. У номукамаллиги, кусурлари учун хеч қимни, хеч нарсани аяб ўтирмайди: дунёни ҳам, замонни ҳам, одамларни ҳам, хатто ўзини ҳам!

Эй дил, бу замондан сира эхсон тилама!
Тартибни фалак чархидан, эй жон, тилама!

Дармон сўрабон ортади дардинг баттар,
Кўн дардига хар лахза-ю, дармон тилама!

Унинг нуктаи назарига кўра умр шунчалик кискаки, шошилмаса инсон на яшашга улгуради, на камолот касб этишга! Холбуки, умр яшаш учун берилган: киска умрни айш-ишратга хам, аксинча, таркидунёчиликка хам сарф этмаслик керак. Маънавий-ахлокий мавзу Шарк адабиётида хамиша етакчи бўлиб келган. Маълумки, панд-насихат канча ихчам ва ёркин ифодаланса, шунча таъсирчан ва жозибадор бўлади. Айни жихатдан рубоий хикматли сўзлар, фалсафий мазмунни ифодалашга жуда кўл келади: бу ихчам ва лўнда шакл шоирларга катта маърифий ва тарбиявий ахамиятга эга бўлган турли-туман панд-насихатларни унга сингдиришга имконият яратди. Комусий билим, катта хаётий тажриба, бекиёс истеъдод сохиби бўлган Умар Хайёмнинг кўпчилик рубоийлари хам хикмат каби жаранглайди. Зеро, улар дунё, хаёт, инсон устидан ўқилган ўзига хос фалсафий хукмлардир. Шоирнинг ўзи хам бунга эътироф этиб, рубоийларидан бирида ижоди мисолида хикмат чодирини тиклаганини айтган эди.

Бегона якин менга вафо килса агар, Ёт хатто кариндош-да жафо килсалар ёкмаса бол — борми захардан фарки? Бол ўрнидадир захар даво килса агар.

Хеч кимсани ранжитма илож топсанг агар, Огритма бирор дилни, сира сочма захар. Гар мангу фарогатдан умидинг бўлса, Чек слгиз ўзинг учраса хар канча қадар.

Умар Хайём ўзидан кейинги Шарк адабиётига кучли ўтказган. Факат рубоий ёзган ёки ижодида рубоий етакчи ўрин тутган кўплаб рубоийнавис шоирлар етишиб чиккан.

Чунончи, Фаридиддин Атторнинг «Мухторнома»си 5000 га рубоийни ўз ичига олади.

Мирзо Бедил 3861 га рубоий ёзган. Абдуллох Ансорийга 2000 дан зиёд ру-боийни нисбат берадилар. Жалолиддин Румий девонида 1994 та рубоий мавжуд. Амир Хусрав Дехлавий рубоийлари 700 тадан 1200 тагача деб кўрсатилади. Соммирзо Сафавийнинг Шайх Рубоий номли шоир (XVI) хакида ёзишча, у «шеър навларидан рубоийга ниҳоятда майл кўрсатган ва шунинг учун уни Шайх Рубоий дейдилар». Мутрибий Важехий Ахсикатий мероси хакида тўхталар экан, «ёзганлари асосан рубоий эди» деб маълумот бе-ради ва Хаким Рукной Кошоний пжоди хакида хам «кўпрок рубоий жанрида калам тебратарди» деб қайд этади. Бундай маълумотни Мутрибий Азизий Самаркандий хусусида хам келтиради. Хиндистонда Файзи Фаёзий «Хуршиднома» номли рубоийлар девони тузган бўлса, Сахобий Астрободий «иккинчи Хайём» деб улугланган.

Умар Хайём рубоийлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима килинган. Илк бор 1859 йили Эдуард Фитцжеральд томонидан инглиз тилига ўгирилган шоирнинг 75 рубоийси XIX асрнинг ўзида катта адабларда 25 марта, 1925 йилгача 139 марта нашр этилган. Бутун Британияда Хайём рубоийлари кириб бормаган хонадон колмаган, Хайём клублари очилган. Кейинчалик унинг сафини А. Арберри, Ф. Розен, Уинфильд, П. Эйври, Ж. Хезетабз каби мутаржимлар тўлдирган ва рубоийлар микдори 100 тадан 1000 тагача етди.

Америкада Умар Хайём рубоийлари асосида театрлаш-тирилган сахна асари, Лондонда махсус хайёмсеварлар клуби мавжуд. Уларда шоир рубоийлари хам аслида, хам таржимада бадиий сўз усталари, мохир нотиклар томонидан ўқилади.

Умар Хайём рубоийларини XX аср бошларидан ўзбек тилига таржима килишга киришилган. Олимжон Идрис 1914 йили «Шўро» журналининг 4-сонидан шоирнинг бир неча рубоийсини мисрама-мисра таржима килиб, нашр эттирди. Журналнинг 1917 йилдаги 2-, 4-, 13-, 14-сонларида «М.С.И.Ч.» имзоси билан унинг яна бир қатор

рубойлари таржимаси эълон килинган. Абдурауф Фитрат «Форс шоири Умар Хайём» номли рисоласида (1929) унинг 35 та рубойсини насрий таржимада келтиради. Кейинчалик Фаттох Абдуллаев унинг 14 та рубойсини шеърий таржима килади. Умар Хайём рубойлари таржимаси асосан форс-тожик адабиётининг билимдон тадқиқотчиси ва мохир таржимони Шоислом Шомухамедов номи билан боғлиқ: файласуф шоир рубойлари унинг таржимасида бир неча марта босилиб чиқди ва халқимиз орасига кенг кириб борди.

Эргаш Очиловнинг
"Бархаёт сиймолар" китобидан